

БИЛД ЖАСМАДЯТ

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВА

عَالَهُ وَجَيْتَ

35

СОН

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нархда •

УШБУ СОНДА:**3-БЕТ****• КҮПКАРИ ЧОПАЁТГАН ҚИЗ**

... Ана шу ерда Нодира исмли қиз ҳам яшайди. Ҳамма қишлоқлар каби у ҳам сизир соғади, уй супуради, тикувтүқув ишларини бажаради. Ҳуллас, Нодира оддий бир қишлоқ қизи. Лекин бир хислати уни бошқа тенгдошларидан ажратиб тұради. Нодира полвон қиз, от миниб күпкари чопади.

5-БЕТ**• ТУБАНЛИК**

...Нияти бузук кимса бечорани ерга ўтқаза солиб, унинг аравачасини сурит қоча бошлаганда гап нимадалигини аңглади. Бироқ, тошмең олибқочар үзекқа кетолмади: уни түтишиди. 250 минг рубллик ногиронлар улови әгасига қайтарылды. Ўғрининг устидан жиноши иш құзғатылды.

7-БЕТ**• 12 ЕШЛИ ДАХО**

Мақсуд Калифорния университетини тұгатғач, олты тоғаси каби врач бүлішни истади. Унинг айтишича, Оллоҳдан кантта қашфиёт қиласағы ҳақида хабар келган. У инсон тересини жонлантиришнинг янги усулини топишини ва Паркинсон касалынын давосини излашни ният қылған.

Мұтахассислар Мақсуднинг құвван ҳофизасини (интеллектуал даражасы) 200 баллга бағоламоқдалар. Ваҳоланки, оддий инсонларда бу күрсаткыч 140 баллдан ошмайды.

8-БЕТ**• TTT — NEWS**

Машхур қоюншунос ва давлат арбоби Жозеф Чоут доим әзтиёт бўйлиб гапиришга ҳаракат қиларди. Бир басавлат йигитнинг "иши"ни у қозихонада кўриб чиқши керак эди.

— Ҳарчамат, курсига ўтиринг,— деди Чоут олийжаноблик билан йигитча.

— Мен Вишоп Максвеллининг кенжә ўғлиман,— деди хўмрайди жиноятчи йигит.

Шунда Чоут шошиб қолиб:

— О, шундайми?! Унда иккита курсига ўтиринг,— деди.



ХИРОМ АЙЛА, САРВИНОЗ!

А. ТЎРАЕВ сурати

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Улжамол ХОННАЕВА:

АРМОНИ ЙЎҚ АЁЛ

Илҳом ЗОИР:

КУЛГИПАЗ УСТА КЎПАЛ БИЛАН СУХБАТ**Шов-шув:****АМРИҚОЛИК ТАЛАБАЛАР "ШПАРГАЛКА"
ИШЛАТИШАРКАН**

«Оила ва жамият» 35 (158)

Бир куни

«АЛВИДО, ТАРФИЛ!»

Олтинсой туманидаги Қурбон Абдураззоков номли 40-йута мактаб муаллими Абдусаттор Холиёров ҳикоя қиласи:

Зарурат юзасидан серсут, ҳар иили кандасиз бузоқлайдиган сиғиришимизни сотишга тўғри келиб қолди. Келишилганига кўра, юк машинаси катта йўлнинг бўйига, уйимиз ёнига келиб тўхтади. Сиғиринг бўйини арқон боғлаб етакладим, аёлимиз изидан ҳайдади.

Катта дарвазамиздан чиққанда баногоҳ сиғиринг кўзларига нигоҳим тушди. Тарфилимиз машҳур Денов бозорида яхши сиғиринг кўзларига нигоҳим тушди. пул бўлди. Лекин кўнглимида бир армон Жониворнинг шашқатор ёш оқаётган қолди...

кўзларига қараб вужудимга титроқ оралди.

Маҳмуд АБДУЛФАЙЗ



ДУГОНАЛАР

...шунослик

ХУМОР

“Вакти-вақти билан ниманидир кийнайдир ўлдирим келади. Масалан, пашшами бирор чишини тутиб олсан, ҳам канотларини, оёкларини битабита юлбад оламан. Кийнайман. Нихоят эзгилаб ташлайман..” Гарчи бир танишимиңнинг бу гапларини ҳазилга йўйиб, унинг устидан кулган бўлсан-да, сўнгра жиддийроп бош котириб кўрдим. Назаримда, унга (танишими) ўзи ҳам тушуниб етмаган бир тўйуси беъзовта килади. Бу хумор тўйуси эди.

Эл “тарки оdat—амри маҳол” дейди. Мабоди сиз, ўзингиш одатлашган бирор нарсани тарк этишга эрхсанниси ҳам сизни барibir қайтказта беъзовта килгувчи тўйи, ха, яна хумордир. Бирок, юқорида таъкиданнан ҳар иккала ходиса яхши хумор аталса-да, бутунлай бўлак нарсалардир. Келинг чукурорқ мўшоҳда юриталик. Хумор юрак, вужуд, яна алланарсаларнинг хошиш. Лекин, акднинг эмас. У акд билан хисоблашмайди ва қўпинча аклга зид-дир.

Инсон илдатлари ҳакида ҳикоя килувчи китоблардан бирда шундай воеқа кетирилди: “Сұхбатлашиб турганинг бирни кўйини беъхтиер костюмининг ён чўнгатига узатади ва котиб колади. Сўнг кафти билан пешонасига уради. Чунки у, йўнгина йилдан бўен чиқмаётган, одати бўйича илгари портсигари турдиган чўнгатига қўлини тиккан эди. Табийки, бу ҳаракат бесабаб бўлмаган. Айтидан у айни пайтда аввалин чоғлардаги каби папироқ хуморини езадиган ҳолатда бўлган

кўринади.” Бу—хуморнинг биз кўнникан, одатий кўринишидир.

Одатий хумор ҳаётимизда кўп учрайди. У, одам туғилгандан сўнг унинг характерида шаклланадиган турфа одатларнинг узвий давомчизи бўлгани учун ҳам одатий хумордир. Юқорида сабик кашанданнинг йўнгина йилдан сўнг беъхтиер чекиши хумор килгандан боҳалар бўйдик. Кашандан орадан шунча вакт ўтиб ҳам хумор килдими, демек чекиши ташлаш вақтида анча кийналган. Хумор аклга зид нарса бўлмаганида эди, албатта кашандага осон бўлурди. Бундан ташкаш, ароқ, чой, каби турли ичиладиган нарсаларга ёки масалан, гиёхвон, моддаларгани каттик руку кўйиш ҳам одатий хумор жумласиданди.

Шу турдаги хуморга кирувчи бўлаш воқеаларни ҳам кузатишмиз мумкин. Базъида одам кўзларини пирприатишга, елка учиршига одатланниб колади. Хумор бу одатни тақрорлашга мажбур қилади. Агар тақрорлашсангиз беҳаловат бўласиз, қандайдир. Ўзим ҳам болаларнинг томогимни тез-тез кириб турдиган одат чиқаргандан. На йўлтишига на аксиринга ўхшари ўзим. Шукрки, онамнинг тавна-дашномининг ёзри билан кутублиб олдим. Аммо, ўша вактларда томогимни кирсанм худди енгиз тортилайди, аксинча эса, томогимни тинимизни кичишташтадай бехузур бўлаверардим. Одатимни анча вакт хумор килиб юрдим. Хатто, базъида шунақанти хуморим тутардики, онамдан яшириниб томогимни кириб-кириб олардим.

Кейин кўнникуб кетдим.

Озрок чалгимадики? Келинг иккичи хуморга ўтамиш. Уни ўз табиатидан келиб чиқкан ҳолда гайриодатий хумор деб атамиш. Бир устоз шоҳримизнинг езизина, ўзи мутлако футболга кизикмайди. Буни қарангки, футболга умуман хуши ўйқу бер отруга ҳам бор. Бир куни, шу ўртоги томдан тарафа тушгандек футболга тushiшини таклиф килиб колди.

“Юравер,—деди у. Футбол томоша килармидик, бир бакириб чикамида. Хуморинг ёзилади...” Кўчилчик футбол “ишикбоз”лари ўйин томошасига аксарият ҳолларда бакириб хумордан чиқши учунинга боришиз экан.

Бу хумор нима учун гайриодатий? Чунки, у инсон туғилгандан сўнгтина шаклланмаган. Балки, авлоддан авлодга ўтиб келалётган, илдизи ибтидой одамларга бориб тақаладиган гаройб мөрсодир. Таридан маътумки, илди ибтидой давларларда одамларда инсоний ҳислатлар тўла тукиш шаклланмаган. Улар тўла-тўла бўлиб ов килишган, гулхан екин атрофида бакириб-чикириб ўйин тушишган, тог-тозда елиб-югуришган, қўйни кабилалар билан аёвсиз муштлашишган ва хокайди.

Инсоният ўша вактлардан бўен ти-нимиси ривожланиб келди. Унинг акли камолат топди, юз тузилиши, гавза ҳолати кўркамлаши, характеристи, ўзаро муоммаладиганти юксалди. Факат, кони ўзгармади. Унинг томирларида ўша илк аждодларнинг кони айланниб туриди. Шу боис, иб-

Етти кун

“ДАФТАР АРЗОНГА ТУШДИ...”

Газитимизнинг ўтган сонида Қўшработ мол бозорида ўртача ќўй 100 сўм бўлганлигини ёзгандик. Куни кечга Жума бозорибдан янги хабар олдик.

Бир жаҳон семиз ќўйкорини 200 (икки юз) та 12 варакли ёзув дафтарига алмаштириб олди. Жанобнинг таъкидлашича, дафтар унга жуда арzonга тушди.

БОЛАЛАР ПАТИНКАЛИ БЎЛИШИ

Шунингдек, янги ёқув ийли бошида болаларига кийим-бош олиш учун бозор оралаган яна бир қўшработлик акамиз 2 та қўзини пуллаелмади. Ахайи қўзиларни тўрт жуфт болалар патинкасига алмаштириб, уйига равона бўлди.

НАМАНГАНЧА ТАДБИРКОРЛИК

Наманган шаҳар қассобхоналарида мол гўши 13 сўмдан турбиди. Аммо, одамлар ҳариди кам. Наманганликлар гўштини кам истеъмол қилаётган экан-да, деб юрманг. Улар гўшт “еъши”нинг бошқача усулини ўйлаб топишган.

Бу ерда, 4—5 та хонадон ўрталикда пул ўйғиб бозордан тирик жо сотиб олишади. Сўнгра уни ўзаро тақсимлаб олишади. Улгуроқса савдо шитиёқ-мандарнинг айтшича, шундай қилинса гўштини килоси 8 сўмдан ҳам арzonга тушар эмиш.

БАШПОРАТЧИ“НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Милёнлаб муҳлисларни бир йилдан кўп вақт давомида телевизор қаршисига “жихлаб” ќўйган “Оддий Мария”нинг тақдиди ғаллаоролликларни ҳам бефарқ қолдиргани ўйқ. Тиббиёт билди юртингиз иккиси домласи бу маҳшур филиянинг қачон тугаши ҳақида баҳслашиб, гаров боғлашиб. Қарангки, “башпоратчи” домлалардан бири атиги бир кунга янгишишган экан.

Начора, ўигит киши ваъдасига вафо қилиши шарт. “Оддий Мария”га шиқи тушеган домланинг бир ќўй сўйиб дастурхон тузашдан бошқа иложи қолмади.

“ДД МЕТРО” ЎЗБЕКИСТОНДА

Хиндлар билан “бҳай-бҳай” лигимиз тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг исботи сифатида уларнинг Марказий “Дурдошон”—“ДД Метро” телеканали кўрсатувларни ҳафасига 3 марта (3-мартоқ орқали) кечки пайтода бир соат давомида томоша қиладиган бўйдик. Унда ҳинд ҳалқи ҳаётига оид янгиликлар, турли хил қизик кўрсатувлар ва ажойиб санъаткорларнинг чиқишилари намойиш қилинади.

АСРГА ТАТИГУЛИК КУН

Эшитганингэз бўлса, Узун туманинг тоғни ҳудудида Маланд деган қадимий қишлоқ бор. Собиқ шўролар тузумининг етимиши ўши гуриллаб ўтиб кетди ҳамки, бу қишлоқ одамлари электр тури нима эканини билди яшадилар. Олис кечалар маландликларнинг ўйиде авлодлардан мерор қолган лампа чирок ёниб турди. Ва ниҳоят, яқинда ушбу қишлоқда электр чироқлари ёнди. Шу унтутилмас воқеа куни қишлоқдаги бирорта ҳам хонафонда чироқ ўчмасди. Яхши пиятлар билан қаҷонлардир ҳарид қилинган радио, магнитофон, телевизорлар тонг отғунича шилаб турди.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

тидой одамлар қонига сингиб кеттган одатларни бъазлан хумор килиб турсак ажабмас. Шундай бўладики, бъазида тинимсиз ўргургани бъазида каттик бакиригинг, бъазида гир айланбик ширк тушинг, бъазида тог-тозда бош олиб чиқкинг, ибтидой бир ахволда шашлашиб келидиган келид.

Чивин шўрликни кийнаб ўддирини хоҳлаган танишимишнинг хумори ҳам бу ринда табинийдай туплади. Бу аждодларнинг ов килиш машқининг анчайин паторат топган бир шакллар, балки. Бир шахс сифатида унинг гайриодатий хумори бани одам идатийдир. Чунки, одамзодининг илк вакиллари шунга одатлантаглар. Бу одатларни кўнгасаш эса, то хозирги кунга кадар вакти вақти билан табиатимизда зохир ибтидой билан бўлган турди. Келин кийнайди, исканжага олади. Уни қафасга ўхшатсан турди. Хумордан чиқкан одам, худди қафаси бузуб озодликчаликни кичкан одамдай енгил нафас олади, исканжадан кутулдим, қафасдан чидим деган бир оханди, хумордан чидим деб галилди. Кафас эса, одамни дикжанафас этувчи бир нарса. Унда ҳаво етишмаетгандай бўлади, газабини кўзголади. Бъазида гир айланбик ширк тушинг, бъазида тог-тозда бош олиб чиқкинг, ибтидой бир ахволда шашлашиб келидиган келид.

Икром ИСКАНДАР

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: МЕХМОНХОНА

Таҳририятдан: Қадри муштари! Ушбу руқнижизда кўпроқ сиз билан ҳамкадам, ҳамнафас яшаётган ижодкорлар сұхбатидан баҳраманд бўласиз. Биз эса, "Меҳмонхона" жизнинг илк меҳмонлари Галлаорол туманида нашр этиладиган "Галлаорол овози" газети — унинг жонкүр ходимлари Абдуваҳоб ГИЕС ва Қамолиддин НАЗАРларга қадам (қалам) ранжидалари учун ташаккуримизни айтамиз.

Мамлакатижизнинг энг чекка тужан газетларидан тортиб, вилоят таҳририяти, улардаги барча ҳамасбларимизни (жамоаси билан албатта) "МЕХМОНХОНА"га таклиф этамиз.

"Мен шаҳзода, сен маликасан..."

**Фаллаорол тумани фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлими
мудири**

МАМЛАКАТ АВБДУМАВЛОНОВА БИЛАН СУҲБАТ

— Шу йилнинг биринчи ярим йиллигига тумандада 344 никоҳ қайд килинди. Шундан 17 таси бекор килинди.

— Мустаҳкам оиласини асосий нима-ю ажрашишинг асосий сабаби нимада деб биласиз?

— Ойлаганинг мустаҳкамлиги биринчи навбатда келин ва кўёрга бирдай болгли. Бир-бирини севишни таъсири уларнинг оиласига раҳна сололмайди. Ажрашишга келсак, ҳар бир оила ўнга хос бир олам, унинг шишидай нозик эканлигини у сал нарсадан дара кетиши мумкинлигини хамма яхши билади. Сабаблар минга бўлиши мумкин. Кўнгил кўпслини тушунишаси оила бузилиши учун биттасининг ўзи етади.

— Эр-хотининг тенг хукуклиги деганда нимани тушинасиз?

— Аёлнинг олами бошка, эркакни бошка. Бир-бираға асло тўғри келмайдиган шундай

фазилатлар ва юмушлар борки, уларнинг ҳаммасида ҳам тенг хукукликини дэвво қилиш ақлга симгайди. Тенг хукуклини деганда эр-хотининг нафратма-наваб овқат пишириши ёки полий ювиши тушнилмайди албатта. Бу нарса менимча, энг аввали эр-хотинни бир-бираға бўлган муносабатида, бурчиди, вафо-садоқатида, меҳрида ўзифодасини тошиши керак.

— Кейинги вактларда ёш-келин-кўявларга аталган ахлоқийтарбиязий, жинсий хаёт мавзусидаги китоблар кўплаб чоп этилди. Ёшларнинг яхши турмуш қуриб кетишларидан бундай китобларнинг аҳамияти кандай, сизининг чо?

— Илгарларни бундай китобчалар асосан рус тилида чоп этилди. Эндиликда бир-биридан мазмундор, оилавий ҳаётнинг тўрға кирралари кенг тахлил этилган рисолалар бирин-кетин нашр килинганда, уларнинг барни ёшларга

ана шундай катта ҳурмат ва назокат билан муномалада бўлса кани эди.

— "Оила ва жамият" газетасида турили ёшдаги эркак ва жувонларнинг танишуви ёлон орқали ташкил қилинган. Баъзилар буни ўзбек матнавиятига энд хисоблайди. Сиз-чи?

— Менимча, эса бунинг матнавиятинина пастга урадиган жойи ўйқ. Ахир ёши ўтиб қолганларни, эридан, хотинидан турили сабаб билан ажралганларни ҳам тушуниш керак да. Кайтадан бахтини топиш нечоглини кийин эканлигини ҳамма яхши билади. Энди орқали бўла ҳам танишини, бахтини топиб кетишиш, бунинг нимаси ёмон.

— Ёш оиласларга энг аввали кандай хислатлар тилайсиз?

— Севилирли чин, ҳурматлари самимий бўлсин. Шунда уларнинг турмушини яхчандай куч бузади.

Абдуваҳоб ГИЕС сұхбатлаши

ҚАЛБИ ЎЙФОҚ ҚЎШИҚЧИ

... Ушандаги 1991 йилнинг эрта кўклими эди. Жиккакина, санъат, маданият нўйлида тиниб-тинчимайдиган Абдужалол Донабоеевнинг ташаббуси билан Галлаоролда биринчи марта "Камолот" кўрик-танлови ўзгирилган. Ушбу кўрикни тумандаги ўш, иштедодли югит-қизлар тақлиф этилган бўлуб, у "Галлаорол" хўжалигининг "Бошоқ" маданият саройида ўтказилганди. Бугун ўша ширин хотира бўлуб котган (чунки бундай кўрик-танлови атаги бир марта ўтказилди, холос) танлов ҳақида батасиғи гапириб ўтимроқчи эмасмаси. Фақат бир нарсанни: кўрикда юрагим тўрги маҳкам ўтнашиш котган кўшик ва унинг ижроини тўғрисидә ёзиши мақсад қилиб кўйганди.

Бир кўп олдингизга келтиринг. Айни навқирон ёнда, мұхаббат ва висон сурурдан энтиққан югитнинг тўй кечасида чиминдиқча, ажаб ҳислар оғушидаги ёр ваёнига етолмай ҳасталигин қолиншини. Не ажаб, ширин оразуларга қаблаб тўридан жой берган, она ватан, мұхаббат ҳақида дардли сатрлар битиб, шеър ишқида тунларни оромсиз ўтказган Шокиржон, болаларга одоб-ахлоқ, инсонийлик, илм-маърифатдан сабок бергаётган ўқитувчи юнг, орадан бир ойча вакт ўтиб бу фоний ташвишларидан абдий кўзюмди. Чиминдиқдаги ўрни буш қолди ўнинг. Келинчакининг армонларини, онанинг бўзлаб йиғлашларини жигарларининг

зидик. Вафотидан кейин анча вакт ўзимга келломай юрдим. Уша ўзинги билган танлов шартларидан бирин қўшиқчининг ўзи ходлаган ахласини айтиши эди. Кўп ўйладим, бир кунин кечаси ўз-ўзидан шеър кўйилни кела бошлади. Абдужалол ақага кўрсатсан (у киши устозим бўлади) яхши, куйга солиб кўр, деди. Шу тариқа "Армон" деб олнганлик қўшиқ юзага келди. Уни айтишдан олдин дўстим Шокиржоннинг оиласига бориб, улардан рухсат олдим. Фақат тўйларда айтмаслигимни сўрашиб. Ҳозир ҳам қўшиқ айтсан Шокиржон ёдимга тушаверди. Лекин начора у эди бизнинг багримизга қайтиб келмайди". Бу дунёдан ўтганлар энди қайтмайди. Улар амон бўлуб, хотира бўлуб, қўшиқ бўлуб келинадилар. "Армон" да кўйланганидек: "Кешковутнинг боянига. Қайтолмадинг Шокиржон. Ҳатто ёрга севгингни айтольмадинг Шокиржон..."

Энди армонлардан орзулар сари юрсак. Ана шу қўшиқни айтган Рустамжон Тошбулов "Камолот-91" кўрик-танловининг голиби бўлганди. Унинг тиник овони, куй ва қўшиқнинг омуҳталиги, сўз танланбилиши ва шеърга ўзи куй басталаши мұхлисларга этра танидти. Мана бир мисол. Рустамжоннинг "Болажон" деган қўшиғи бор. Қаблаб бир оғриқ билан айтладиган болалар уйларига, бир ойни лаззатнинг меваси сифатида ахлат кутнларига ташлаб кетиладиган бегунон, норасида гўдакларга багишланган бу

КЎПКАРИ ЧОПАЁТГАН КИЗ

Галлаоролнинг гарбий томонида кичкинагина бир қишлоқ бор. Тўрт томони кирликлар билан уралган бу қишлоқни "Кўтал" деб атайдилар. Хўжалигу туман марказидан анчагина йирокда. Одамлари асосан чорва ва галлачилик билан шугулланадилар. Ана шу ерда Нодира исмли қиз ҳам яшайди. Ҳамма қишлоқларни каби у ҳам сиғир согади, уй супуради, тикув-тўқув ишларни бажаради. Ҳуллас, Нодира одий бир қишлоқ кизи. Лекин бир хислати уни боша гендошлиларидан ажратиб турди. Нодира полвон қиз, от мини, кўпквар чопади.

Кирк йигит билан бор бойлашган Гўрўғлиниң синглиси Ойбарчинни бир едга олинг. Унинг чавандозлиги, жасурулиги, мерғанлиги нафакат кирк йигитни, балки бутун элни ҳайратта соглан, койил колдиганди. Шукрия, асрлар ўтиб европалашиб кетган юртнинг Галлаоролдай бир четидаги ўйда Ойбарчин авлодлари етишиб чиҳмодга. Тулпорларнинг ёнига боришга ҳайқадиган йигитларни дол қолдириб, кўпкарларда улочиб чомпомда. Нодира полвон қиз.

Нодира ҳақида яқиндагина бир сұхбатда эшитиб қолдим. Мұхбирларга хос қишиқи билан сўраб-суршишириб, билганларим хозирча шу бўлди: Нодира ёшлидик отта меҳр кўйган. Отаси билан баравар уни парвариш қылган, отни ўзига ўргатиб олган. Бугун Нодира катта киз. Мактабни туттаган. Отаси билан бирга от мини, яки қишлоқлардаги тўйларга, улоқ чопшига боради. Қарангти, Нодиранинг ундан бошкага бўй бермас экан. Шу боис кўпкарларда ҳамиша отни ўзи минади (кўпинча от эгалари улоқ чополмасликлари боис бошика полвонларга туллорларни беришиади). Эрқача кийиниб олгандан кўпчилик унинг қиз бода эканлигини билмайди ҳам.

Ҳозир Шерто, Бектой, Ҳуснинидан, Шавкат катиб полвонларнинг номи Галлаоролдан ошиб, қўшини юртларга ҳам танилган. Нодира кизимиз эса ана шу номдор полвонлар билан баравар улоқ чопшиди. Ҳа, дарвоже улоқи киз ҳали турмушга чикмаган. Агар полвон йигитлардан ўзига муносиб ётполиши, тулпорини ҳам келин бўлиб тушадиган хонадонга олиб кетмоқчи...

қадди букилганини таърифлашига сўз ожизлилар!

... Уша "Камолот"да Рустамжон Тошбуловининг "Армон" қўшиғини эшитиб, Шокиржоннинг дардчили, замғанинг киёфаси кўз ўнгимда намоён бўлганди. Чунки Шокиржон бир неча бор ёзган шеърларини таҳрир этилди, менинг олдимга олиб келгани боин санса таниш бўлиб қолганди. Кейинчалик Рустамдан ўша қўшиқ сатрларни ким ёзганини сўрадим. "Ўзим, — деди у. — Биласизм, Шокиржон билан дўст

қўшик. Мана бу сатрларга бир эътибор беринг-а:

Эй, болажон, қора қўзим, дўмбогим.

Бўғотларга етмай қолган наровим,

Саҳроларда қолиб кетган карвоним,

Кўнглимдаги буок қўйик армоним,

Иғламагиз, тиглатмагиз дўмбогим.

Дардли қўшиқ шундай эмасми? Хулосанис эса бир дакиалик ҳирснин живопис өлмайтганлар, танасини пуга сўтётгандар, охир-оқибатда бир умр амрон билётгандарларни чиқарсан. Яна бир гап. Мен Рустамдан ана шу иккни ҳискиннинг аратилиш жаёрави ҳақида сўрабтанимда, унинг қўзларida ёш кўрдим. Зоро, дард билан кўйланган қушикнинг умри узоқ бўлади.

Истеъодли хонадон Рустамжон Тошбулов ҳозирда Лалмикор кўргонидаги болалар бочгасида мусика тарбиячисин. Кичконтойларга шеър, қўшик ўргатади. Қизчалар ўртасида "Иқбон" ўғил болалар ўртасида эса "Балли, йигитлар" тадбирларини тўзсан. Яна бир гап. Мен Рустамдан ана шу иккни ҳискиннинг аратилиш жаёрави ҳақида сўрабтанимда, унинг қўзларida ёш кўрдим. Зоро, дард билан кўйланган матлубоҳ Маржонбулоқ тикувчилик фабрикасида тикувчи. Нуридин, Суҳроб, Сарвонизлар ота-онасиининг кўвончлари.

Суҳроб сўнгидаги мен Рустамжондан келажак орзулари ҳақида сўрадим. "Агар кўрган бўлсангиз, Молтоп кишлоғида тоқзорлар орасидаги сименоғодай лайқиши бор эди. Бир неча йилдан бўён бу ерга лайқлар келишмайди. Бу ҳам бизнинг армонимиз. Кайтмаётган лайқлар ҳақида бирор нарса ёзиб қўшичи ёки рабкорса устидан ҳовчулаб пул сочишиади. Наҳотки, пул топиш шунчалар осон бўлса, Қимдир ўтирган ерида минг-минг топар, айримлар эса ана шу сочинган пул учун бир ой меҳнат қилиши керак. Мени ўйлантираётган ана шу муаммo ҳам бир кўшиқка айланса ажаб эмас" — дейди Рустамжон.

Кўриб турганингиздек, хонандамис атрофидаги воқеяларга бефарқ эмас. Ўйлок, қаб билин фикрлариди. Бу яхши хислат. Негаки, кўпчилигимизда айлансаннинг мана шу қаб ўйноклиги етишимайди...

Камолиддин НАЗАР.



Эргаш ҚУЛМУРОДОВ сурати.

«Оила ва жамият» 35 (158)

ҲДЕ — ИЙМОНДАНДИР.

Ҳадис Шарифдан.

Сарлавҳага кўзи тушшани ҳамон ҳойнаҳой кўпчиликнинг кўнглидан: «Ие, қизиқ-ку! На кўз билан кўриб ва на кўл билан ушлаб бўладиган латиф нарса-иймонини ҳам пусти бўларканми?» — деган ўй ўтиши мумкин. Дарҳақиқат, иймон мўйин-мусулмоннинг ботинидаги, дилидаги руҳий мұхдас бўлиб, қишининг ўзи ва ўзгаларнинг кўзидан муғлака пинҳондир. Ҳае эса айрим қиши маънавиятнинг меҳвари бўлмиш иймоннинг унда бор ёки йўқлигидан дарак берадиган ташқи, яъни кўзга ташланадиган бир белги, бамисоли дарахтнинг пўстидир. Ҳае билан иймон шу қадар бир-бирига чатишиб кетганни, бири бўлмаса, иккичини ҳам

кечираётган маънавий инқироздан кутулишнинг якка ягона ўйли пажмурда бўлиб етган иймонимизу шарм-ҳаёмизни бутун чоралар билан амалда тиклаб, янада юксакликка кўтаришди. Агар келажагимизни, миллатимиз ва маданиятимиз таҳдирини ўйласек, ишни ҳар биримиз бевосита ўзимиздан, ўзлигимиздан, ўз оиласиздан бошлашимиз зарур, қадрлар аҳли мусулмонлар, миллатдошлар. Аксинча тўхматчиликдан, зўравонликдан, ёлончиликдан, гайбату шашнинг ўтиларни, шарм-ҳаёмалаш ва фосиҳликдан, оғзи коқсилик сингарилардан тиши билшини билдиради.

Деярли унуп бўлиб кетаэзган иймону шарм-ҳаёмизни, демаки, ўзлигимизни бутун бўй-басти билан тиклаш учун даставало ҳаёнинг мөҳияти, мазмuni ва турлари ҳаёдигати билимлардан

одам Оллоҳдан ҳақиқий ҳае қилган бўлди. Одамлардан шарм-ҳае қилиш эса кишилардо мумомала-муносабатда илло-бillo шариатта хилоф ишларга кўл уришдан, чончига бошқаларнинг ҳаётига, мол-мулкита, обру-шашнинг тажовуз қилишдан, лўндаси, хиёнаткорликдан, порахўрликдан, талончиликдан, юлғиличикдан, зўравонликдан, масхаралаш ва фосиҳликдан, оғзи коқсилик сингарилардан тиши билшини билдиради.

Мабодо тасодифан, жаҳл устида ва ё билмасликдан шариат ва ахлоқ-одоб қонун-коналардат зид ин қилиб қўйса, шарм-ҳаёдигати буни мусулмончилик ва одамийлик шашнинг исход, номус, уят деб билади ва

машмашадан кейин ҳалиги нокас масжид имомига: «Мехнат қилиб йигувдим бу пулни» деб у кишидан 30 минг сўм-купон уйдирган. Мана буни сурбетлиникнинг антиқа намунаси деса бўлди. Нобакор дастурхончи кексалиги туфайли ифлос қилимиз учун жазодан қутулиб қолди, аммо у Яраттанинг ўзига чинакам тавба-тазарру қилмаса ва бундан сўнг ҳаромдан ўзин тия билмаса, Охирада албабда тегинши жазосини олгай.

ҲАЁНГ ЭНГ ЙОКСАК ТУРИ КИШИННИНГ ЎЗЛИГИДАН ҲУЗИ УЯЛИШИ ХИСОБЛАНАДИ.

Бу турдаги ҳае иймони мустаҳкам, ниҳоятда ифзифти, вижидони пок, порсо кишиларгагина хоҳ бўлади одатда. Зероки, бу тоифа кишилар ўз маънавий оламларини доимо бойитиб, ҳулк-атвортарини такомиллаштириб бориша интилайдилар. Шу боғи баъзи ҳукамолар демешларким: «Беҳа бўлма! Бошқалардан кўра, ўзиндан кўпроқ уял!». Ҳу зандалик бўрчини чукур ҳис этган, ўз инсонийлик қадр-кимматини, шаън-шарафини бағоят эъзозлайдиган одамларгина бундай фазилат соҳиби бўлишади.

Ҳазрати Умар ибн Ҳатроб розиёллоҳу анху ҳалифалик маснадига мингларни ҳамон иккита ходимини ўз қароргоҳларининг иккита томонига қўйиб, иккисига бир назифани юклаган эканлар. Вазифа шуки, ҳар куни эрталаб ве кечқурун: «Эй, Умар! Ўзимни эрталаб ҳаёдигати бориша интилайдилар. Шу боғи баъзи ҳукамолар демешларким: «Беҳа бўлма! Бошқалардан кўра, ўзиндан кўпроқ уял!», деган таъбҳе бериди. Ҳазрат ҳалифа ходимларга қараб: «Сизларни вазифаларидан бўштадим, чунки сизлардан ҳам яқинроҳ хабарни пайдо бўлиб қолди», — деган эканлар.

Бундан англапиданди, юқорирада тилга олинган шарм-ҳаёнинг ҳар уччала турига амал қилинган ҳар бир инсонда бошқа инсоний фазилатлар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлар экан. Башарти бу уч ҳил шарм-ҳаёнинг бирорастаси қанчалик пуртурса, киши ўшанчалик бошқа инсоний фазилатлардан узоқлашар экан.

Хуласа калом, шарм-ҳае қилинганинг ҳуқуқи ҳузыри «еки Гўр қўйса куйсизу қозон қайсанис!» қабилида илингидан шармандао шармисорларда, нокасу ножинларда, риекор сурбетларда, мурод бузбетларда бу ноеб тўйти, эзгу фазилат бўлишади. Надоматлар булсанким, ўзини мусулмон санаб, тоат-ибодат қилиб юрадиган одамлар орасидан ҳам бу тоифа мунофиллар ахен-ахен бўлса-да чиқиб туради. Бу тоифа кишилар хусусидан ҳақимиз: «Беш вақт намоздан тарж этмайди, ҳаром-ҳарини фарзанада ҳае қилиш; 2. Одамлардан ҳае қилиши; 3. Ўзлигидан ўзи ҳае қилиш.

Үз-ўзидан анхи, «Бетимнинг қалининг жонимнинг ҳузыри» еки Гўр қўйса куйсизу қозон қайсанис!» қабилида илингидан шармандао шармисорларда, нокасу ножинларда, риекор сурбетларда, мурод бузбетларда бу ноеб тўйти, эзгу фазилат бўлишади. Надоматлар булсанким, ўзини мусулмон санаб, тоат-ибодат қилиб юрадиган одамлар орасидан ҳам бу тоифа мунофиллар ахен-ахен бўлса-да чиқиб туради. Бу тоифа кишилар хусусидан ҳақимиз: «Беш вақт намоздан тарж этмайди, ҳаром-ҳарини фарзанада ҳае қилишади», — дейди.

Биргина мисол. Яқиндагина бўлиб ўттан

Курбон ҳайти кунида Тошкент шахридан жоме масжидлардан бирда ниҳоятда хунук бир воқеа содир бўлди. Маҳалла дастурхонларидан бирни, ёшлисонларни қоралаб қолган кимса ҳайт намозига келтганларнинг хайр-садақа йигаётган фаоллар сафиға ўзбошимчалик билан қўшилиб, тушшан тушумни уйига элтиб, чердагига яшириб қўйинти. Масжид фаоллари бундан ҳабар топиб, тушумни қайтарип беришини талаб қилишганда у ногакор кимса аввалига:

«Ҳеч қанака пул йиққаним ўйк» кейин эса «Бироран қарзор бўлиб қолтандим. Пулни ўшина кишига олиб бориб бердим», — дейа важ қилган. Ахийи фаоллар пулни чедрдан тошиб келишган. Санаб кўришига, бир миллион уч юз минг сўм-купон чиқсан. Таажжуланадиган жойи шундаки, шунча

Кимининг раҳбари бўлибди Ҳае,

Уни маҳа этилмас оғат ва баю.

Оғегин остига боқдан кўзларга

Бу ҳавас даштида чанг тушмас асло.

Миён Содик РАББОНИЙ

Алий НАЗИМО:

ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

КИТОБ ЎҚИШ

Китоб ўқиши энг ҳузурли, энг гўёзал юпанчлардан бўлганин каби зеҳи ортиришмак, илму маърифат ҳосил қўймак, ҳуллас илму тарбия ўрганишмак учун ўсуба керакли бўлган шилардан биридир. Бир яхши китоб ўқиши шаҳар қайғулар тарқаладир, лекин авало шуни айтаманки, бизнинг учун тўғри-ю, дуруст китоблар кўришидан фойдалароқ ҳеч нарса ўйқ. Агар яхши китоб қандай танланади деб сўрасангиз, сизга шундай жавоб берамиз: «Зеҳиларимизни тузатган, керакли шиларимизни билзарга билдириган ва сезидирган, бизни кўркем ҳулқ өгаси бўлишга ундиайдиган китоб яхши китобдир. Бунинг акси бўлиб, бизда бузуқ фикрларни ўйғотадиган, ёвузу ёмон ҳулқларни кўркем ҳулқлар каби кўрсатадиган, бизни ёлғон ўйларга бошлаб, тўғри ўйлардан чалғитадиган китоб эса ёмон китобдир. Уни тезда қўйдан туширмак керак. Бироқ ёш қизлар оналаридан яширин ўқиши ниятида бўлган асарларини-да ўқиши керак эмасдир. Кичкина хоним қизлар, агар мендан қандай китоб ўқиши керак деб сўрасангиз, сизга шу сувратда жавоб бераман: «муаллифнинг илми аదаб ва аҳлоқка ўрина олишга ярарлик бўлган асарларини ўқингиз. Уни санаб тугатиб бўлмас кўп фойдалари бордир».

(Давоми бор)



Ҳаким СОЛИҲОВ сурати

«Оила ва жамият» 35(158)



Ҳабибулло ЗАЙНИДИН,
тарихчи-еъзучи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозир нафақада. 40 йилдан бўён кўхна Моварооннаҳр тарихи билан шуғулланади. Бағоят соддафеъл, кўнгли очиқ одам. 3 ўғил, 2 қизнинг отаси. Эзгу орзуси: халқни уйғониш давридаги маданиятда устивор кўриш. Арабий имлода хаттотлардек ҳуснинати бор.

“Шаҳзода эшикнинг шундик орқасида серрайиб турар, индаң нарироқда қўйма тилладан ясалган, қуббадор сунъичига дур ва ишжалар қадалган баланд таҳтанинг ёнидаги ўйнакор курсида эшон... Убайдулло Ҳўжа Аҳрор ҳазратлари ўтиради...”

Мирзо Улугбек кинояли қуликсиди: “бул шайхул-машойих ҳаж Шошдан етиб келибдур-да!” деган фикр ўтди хаёлидан.

— Эшон ҳазратлари афв этгайлар. Шаҳзода билан икки оғиз холи сўзлашмак ниятиданем.

Эшон ер остидан Абдуллатифга кўз ташлади. Шаҳзода нечундур бир сапчид тушди-ю, Мирзо Улугбекка қарамай:

— Соябони марҳамат! — деб гўданди. — Бу сұхбатда пиримуршидим бўлмоғи даркор.

— Йўқ! — деди Мирзо Улугбек кескин. — Мен сен билан танҳо сўзлашмоқчиман. Сўнгги тилагимни бажо келтиргайсан, шаҳзода!.. Эшон кўлларини курсининг сунъичига тираб, ўрнидан турди» У домми демади, лекин қўп-қузил ялпок юзининг тунглостишида, ишти гавдасини оҳиста тебратиб вазмин одимлашида, ҳамто ўйғон баржоқлари билан тасбехининг ҳаҳрабо доналарини битта битта ўғришида бўйлакча бир шиддат, айни замонда шаҳзодага қаратилган дадил бўл! деган бир фармойиш бор эди”.

— Ҳабибулло ака, гап нимада эканини набираси Убайдуллоҳ Ҳўжа Аҳрор биринчи марта пойтахт Самарқандга 1427 йилларда боради. У нақшбандиятнинг тариқат мактабини Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар билан бирга ўтади. Бу икки ўйрик шоир ўз достонларида Ҳўжа Аҳрорга холос таъриф берадилар. Алишер Навоий “Насойимул-муҳабbat”да Ҳўжа Аҳрор шахсига мамнуният билан изги берган: “Аларнинг мавлуди (туғилган жойи) Тошкандур ва оталари дарвеш киши эрмиш ва она тарафидан ҳамонки, Шайхан-Таҳурки, ул вилоятда мутайин шайх эрмиш... Йигит бўлғондан сўнграким, саёхатга қадам кўютурлар, кўп машойих ва авлии хизматига етиб, сұхбатларига мушарраф бўлдигулар... ва ҳакир (Навоий) бўйра илтифотлари кўп бор учун вахий осор руқъалари (мактублари) бирла мушарраф килиб, ишларга маъмур күлурлар эрди”. Ўзи бўй урар гарибона кулбада яшаган Ҳўжа Аҳрорнинг олдига до олиш учун темурий шаҳзодалар келиб туришган. У ўзига ињом килинган, вақф ерлардан тушган фойдани фуқаро солинган соликларни тӯлаш учун сарфлар экан.

Кейин у козини ҳам тақдирлабди, ҳалиги камбаганинг ҳам жотини чиқарибди. Энди, бу бир ибратангиз факт-да. Мирзо Улугбек шоҳлиқдан кўра олимнида шуҳрат қозондикни, Бартольд: “Мусулмон подшоҳлари орасида Улугбекдай донишманди бўлмаган” деб бежиз айтмаган.

Мирзо Улугбек адолатпарварлиги билан жаҳолатпастларнинг ҳаршилигига дуч келгани рост. Лекин Ҳўжа Аҳрор Валий билан ўртада зиддан душманлик аловати бўлиши мумкин эмас. Ҳатто уларнинг шахсан таниш бўлганлари ҳам бир тахмин. — Мана юкоридаги парчада Ҳўжа Аҳрор Валийнинг “яхшигини” портрети чизилган. Шу ҳақда ҳам икки оғиз айтиб ўтсаниз.

— Ҳўжа Аҳрор Валий Мирзо Улугбекдан ўн ёш чамаси кичик бўлган. Ҳозир сиз айтган эпизодда ҳам, киноларда ҳам уни ёши улу бир одам килиб кўрсатдилар. Бунинг устига валийлик макомига етган бу одамни дунёи нафснинг бир бандасига айлантириб кўядилар.

Улуг шайх Шайхованд Тахурнинг

бир нарса — падар билан фарзанд зидди-яти...

— Афуски, бу шундай. Бобур мирзо ҳам “Бобурнома”да ёзди: “Бу беш кунлик дунёнинг нафси деб, андоғ отасини шаҳид килди”. Лекин Абдуллатиф мирзо ҳам жаҳолатпаст эмас эди. У ҳам ўз даврикнинг олимлари билан баҳлашгандек етук илмга эга эди. Фақат жоҳиллар иғоси ва тожу таҳт ҳаваси орқасида бу ишга кўл урган бўлса керак.

— Ҳабибулло ака, сиз кўпроқ Мирзо Улугбекнинг шогирдлари, хусусан, Али Кушчининг илмий фаoliyatiyin ўрганинг экансиз. Мирзо Улугбекдан кейин уларнинг ахволи қандай кечди?

— Мирзо Улугбек билан бирга ишлаган олимларнинг аксарияти ёши улут бўлиб,

фидойиси камдан кам бўлади. У бутун умрини илмга сарфлди. Ҳатто Мирзо Улугбек: “Агар Али Кушчи бўлмаганда, мен ҳам Мирзо Улугбек бўлолмасдим” дер эди.

— Юкорида романдан бир парча келтириб, бу масалани кўтаришимиздан мақсад адабимизни ёмонотлиқ килиш эмас, ўқувчига холис тарихни англатиш эди.

Энди келтирганимиз бир парча холос. Лекин ўзбек-шўравий адабиётни деган улкан бир даврда ёзилган тарихий асралар ҳакида фикрингиз қандай?

— Бу адабиёт мағфурага хизмат килди. Тарихий асар бўлгандан кейин унда тарихий факт бузилмаслиги керак. Бутун бошли тарихини талқин қилиш г‘адабиётнинг пешонасига ёзилган эка-

МИРЗО УЛУГБЕК КАТТАМИ ЖЎЖА АҲРОР ВАЛИЙ?

Улугбекнинг ўлимига қадар улар вафот Ундан кейин тарихий-бадний асар учун этишганди. Мирзо Улугбекдан кейин Али Кушчи, Мирам Чалабий каби олимлар Самарқандда яна 20 йил илмий изланишларни давом эттирганлар. фақат Моварооннаҳр ва Хурсонда шаҳзодаларнинг жанги жадаллари тинчийвермагач Али Кушчи шогирдлари билан хорижга чиқиб кетади ва Туркияning аё-София мадрасасида илмий тадқиқот олиб боради. Илмнинг Али Кушчидай бир

Тарих — нигоҳимиз қадалган сукун. Тарих бу — бизнинг айнан ўзимиздир. Унга нисбатан қилингани ҳар қандай ноҳолислик бизнинг ўз-ўзимизга қилингани адолатсизлик кабибдор.

Ҳар ҳолда, биз бугун тарих ҳақида бирмунча тўғри тасаввурга эга миз.

Үрис шарқшунослари Мирзо Улугбекни улуглаб, Ҳўжа Аҳрор Валийга қора суртганида, мағфура манфаатини кўзлашаган аниқ.

Ҳатто жаннатмакон истод Мәқсуд Шайхзода ҳам ўз даврида замонасозлик қилишига мажбур бўлған эди. Ҳурматли адабимизга ҳам роҳам учун драматиза зўрбур бўлған.

Яхшияжки, тарих ҳар қандай ёлғонни ўз бағридан ситиб чиқарип ташлайверар экан ва бор ҳақиқати билан намоён бўлаверар экан.

Алқисса, узоқ мозийда бири фозилу бири валий бўлған улуг боболаримизга Тангрининг раҳматини сўраб, гапни муҳтасар қилдик.

Рустам МИРАЗИМОВ

БОЛАНИ ИБРАТ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

Бола энг аввало оиласда тарбия топади. Ота-она ибрати ҳамма вақт ёш авлодининг камол топишисида кундалик амалий намуна ҳисобланади. Ҳалқимиз бола отага, қиз онага тортади деб бежиз айтмайди. Шундай экан, ўғил болага ота ҳамма соҳада намуна бўлиши керак. Ҳўшида, ишда, кийинишида, юриш-түришда ибрат кўрсатиб, фарзандини урф-одат, анъаналар руҳида камол топтириш ота бўйцидир.

Ота оиласда бош бўлиб ўнинг салобатидан она, бола ҳам ҳайиқуб турса яхши. Бундан кўркиш, писиш, қочиши, сирсақлаш еки жим бўлиб, ҳақиқатни юзга айтмаслик керак деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Бирор юмуш чиққандо она боласига дадане билан гаплашиб кўрамиз деб айтмоғи, ҳеч нарсани ўзича ҳад қимланиши малькул. Шундай оиласда ота бош эканлиги аста-секин қарор топади. Албатта қиз болаларнинг юмуши кўпинча онага боғлиқ, бироқ бу масалада она отанинг ўрнини билдириб туршии зарурдир.

Баъзи оиласларда юқорида қайд қилинган нақлга амал қилинмайди, ота оиласи бир томонга тортса, она иккинчи томонга тортади. Натижада оиласда ҳурматсизлик пайдо бўлиб, аҳиллик иўқолади, болалар тарбияси бузилади.

Шундай экан оиласда эр-хотин ўртасидаги аҳиллик-ҳамфирлик, иззат-икром фарзандларига сабоқ бўлади деб ўйлаймиз. Оиласда фарзандларни салом-алик, ахлоқий фазилатлардан ташқари кундалик ҳаётга, ешига, жинисига қараб бирор юмуш бажаришга ҳам ўргатиш керак. Ўғил-қиз оиласа қуриб, мустақил бўлғунча, уларнинг ҳамти-ҳаракати ҳамма вақт ота-она назорати остида бўлиши керак. Ота-она ота-она назорати сабоғ ини олган ўғил-қизлар мустақил бўлиб, турмуш қургандага ўз ўйлани топишада кўп қийналмайдилар.

Жўрабой ЖАББОРОВ

12 ЁШЛИ ДАХО

Эронлик Мақсуд Кархе-Абадий ўрта мактабни тутатмаеқ Калифорниядаги ирвин университетининг дипломини оладиган бўлди. 12 ёшли ўсмир энди шу кузда тиббист факултетига ўқишига кириш ниятида.

Мақсуд 1981 йилнинг 6 июнида дунега келди. 6 ойлигидаги юришини, 18 ойлигидаги ўқишини ўрганди. 5 ёшига тўлганида унга таълим бериш муаммоси туғилди. Чунки, ўта қобилиятли бу болакайни ҳеч бир мактаб ўқишига олиши истамади. Шу сабабли Максуд бошлангич таълимни уйда олишига мажбур бўлди. 7 ёшида эса 12 йиллик ўта мактаб дастурини батамом ўзлаштириб бўлди. Жуда ёш эканини ҳисобга олими, отаси Мақсуднинг дорилфунунга кириш фикрини дастлаб маъкулламаган эди.

Мақсуд Калифорния университетини тутатгач, олти тоғаси каби врач бўлишини истади. Унинг айтишича, оллоҳдан катта камфёт қиласаги ҳақида хабар келган. У инсон терисини жонлантиришинг янги усусларини топишни ва Паркинсон касалининг давосини излашни ният қилган.

Мутахассислар Мақсуднинг куввати ҳофизасини (интеллектуал даражаси) 200 баллга баҳоламоқдалар. Ваҳоланки, оддий инсонларда бу кўрсаткич 140 баллдан ошмайди.

БЕВАҚТ ЎЛИМНИНГ СИРИ

АҚШда ҳар йили 6000 гўдак бир ўтказган тадқиқотлар жарроҳнинг ёшга етмай тўсатдан нобуд бўлади. Энг хавфсиз уйқу чалқанча ёхуд Барча мамлакатларда зоҳир ёнбош бўлиб ухлаш, деган фикрини бўлаётган бундай ўлимнинг сири тасдиқлади. Маълум бўлишича, ҳалигача номаълум эди. АҚШнинг гўдакларнинг қоринда ухлаши 73 бош жарроҳи Жойселин Элдерснинг фойиздан 45 фойизга камайиши билан фикрича, бунинг сабаби гўдакнинг тўсатдан вафот этган болалар қандай ҳолатда ухлашига боғлиқ. сонининг ҳам камайиши кузатилган.

Америка шифокорлари 1993 йилда



Шатранжчи Рустам
Қосимжонов
Сегеда шаҳрида бўлиб ўтган
ёшлар жаҳон биринчилигидан
бронза нишон билан қайди. Ун
тўрт ёшли шахмат устаси 9
имкониятдан жами 7 очко тўплаб, 16 ёштага
бўлган спортилар тургуда нишондор бўлди.

Рустам вентриялк энг номдор гроссмейстер Петер Лекони ва Латиш Morris Krakonигина олдинга ўтказиб юборди, холос. Улар 8 ва 7,5 очко тўплашга муввафакиятни ўзи учун ҳам, мамлакатимиз учун ҳам ажойиб сова бўлди.

... Рустам тўрт ёшлинида акаси Ҳуршид билан илк бор шахмат ўйнаган эди. Болакай ана шу тахлил қизиқарли ва донишмандона бу



ўйин оламига қадам қўйди. Агар тасодиф бўлмагандан, спорт соҳасида унинг тақдиди қандай кечинши тасаввур этиш юфт қийин. Ҳунар Рустам ўқиетган мактабда тренер Александр Грушевский раҳбарлигидаги шахмат тўтараги иш бошлади. Устознинг илк шогирдларидан бўлган Рустам тажрибали мураббиидан маҳорат сирларини ўрганди.

Вақт этиб, устоз ўз шогирдини Хизмат кўрсатган мураббий, Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ маорифи аълочили Сергей Пинчук қўлига топширди. Устозлар алмашви доимо ҳам силиқ кечавермайди. Бирор, тақдир инояти билан бу сафар устоз ва шогирд бир-бирлари билан топипди, десак

АҚШ Президентининг шахсий қўриқчилари бир ўсмиринг дастхат олишинг имкон бермай, унга бақириб юборишидан хижолат бўлиши. Ана шу хижолат пазлиқдан чиқиши мақсадида якшанба кунларининг бирори Нью-Йорклик 15 ёшли Блейк дастхатини сотмоқчи эканини қайд этган эди.

Президентнинг имзоси энг қиммат бўлса керак, деб ўйлаётган бўлсангиз, хото қиласиз. Вайл бу дастхатни бор-йўғи 450 долларга баҳолаган. Энг қиммат дастхат эстрада хонандаси


КИМНИНГ ДАСТХАТИ ҚИММАТ?

Ли Вайнни Клинтоннинг расмий қарордохига таклиф этиши. Унга президентдан дастхат олиш имкониятини яратишгач, кўнгиллари равшан тортиди.

Орадан кўп ўтмай, Вайннинг "Автограф коллектор" журналида чоп этилган реклама иловаси ўсмиринг асл мақсадини ошкор қилиб қўйди. У журналда 350 нафар машҳур киши

Мадоннага тегиши — унинг имзоси 1260 доллар.

Ашаддий дастхат йиғувчилар Вайннинг ўта жангарлигини, мақсадга этиш йўлидаги ҳар қандай говни итқитиб ташлашини таъкидлашди. Президентнинг шахсий қўриқчиларигина унинг муддаога этишига бир гал ҳалал беришга эришишган экан.



Абдурасул ПАРДАЕВ сурати

маҳорат, балки жанговар сифатлар ҳам ортириди. Ҳар қандай ўйнанда, ҳатто барча имкониятлар бой берилганда туюлган беллашувда ҳам сўнти дақиқагача курашди. Ҳудди ана шу фазилати ва тиришқоклиги халқаро майдонда сезиларли мувфақиятларга эришишига омил бўлди. Ўтган йилда жаҳон ёшлар биринчилигидан илк бор иштирок этган Рустам турнир жадвалининг ўрталаридан жой олган эди. Бу гол эса унга бронза медали наисбет этиди.

Рустам Қосимжонов яқинда устоз билан Катарда бўлшиб, у ерга Осиё биринчилиги учун бўлиб ўтадиган мусобақаларда иштирок этиди.

Т. ГОЛУБКИНА

P. S: Мустақиллик байрами арафасида яна хушибар тарқалди. Рустамжон Катарда бўлиб ўтган мусобақаларда учинчи ўринни эгаллаб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

"ОДДИЙ МАРИЯ ВА ОДДИЙ ВИКТОРИЯ"

Мексикалик актриса Виктория Руффо "Оддий Мария" теленовеласи оркали кўпчилик мухлисларга таниш ва севимли бўлиб қолди. Бутун биз унинг санъатга қандай кириб келгани, онларни хисусидга хикояни лозим топдик.

Виктория асосан аёллар мухитидаги ўсқиб-улгайди. Отаси Виктория ўш пайти онаси билан ажракшик кетгани турфайи унинг болалиги волидаси, синглиси ва бувиси билан бирга кечди. Актриса бўлиш ораси олти ёшлинида бирорта түтилган эди. Кариончалари орасида бирорта санъаткор ўтмаган, бирор, унинг бобоси журналист бўлиб, Мексика эстрадаги юлдузлари ва таникли комик актёrlар учун минанаторалар ёзб беради эди. Бобоси Виктория тўлиғидан оламдан ўтди.

Виктория оддий мактабга катнар эди. Ўқишини, умуман олганда, ўрта баҳоларда

уддаларди. Ун тўрт ёшида онаси уни актёрлик мактабига ўқишига берди. Ана шу лаҳзадарда у бехад баҳтиер эди. Чунки у ўзининг севимли машгулати билан уззук шугулланади. Оларди. Актерлик мактабига умумий таълим сифати пастроқ бўлса-да, бу ерда саталаб одатдаги мактабдан сустроқ бўлгани учун ушбу даргоҳ унга маъкул келди. Зеро бу ерда санъат билан шугулланиш учун вакт кўпроқ эди. Шу сабабли у ил бор reklama лавҳаларидаги суратга туша бошлади. Илк муввафакиятга у газета ва журналлардаги "Кизлар", "Назокат", "Учрашув" каби суратлар номида ўтишган эди.

Телевидение оркали иш чиқиши эса мутлақа тасодиф деса бўлди. Ойнаи жаҳонда ишлайтган таниши уни бир гал "Тунги қалойлоксон" кўрсатувига синовга тақлиф килди. Бирор, вазият тақозоси билан у бевосита кўрсатувда

иштирок этишига мажбур бўлди. Бу пайтда Виктория садҳа маҳорати, харакатлар мутансоблиги хусусида тўлиқ тасаввурга эга эмас эди, албатта. Шунга қарамай, таникилар продюсер Эриест Алонсо уни "Докторинин мухолифалар" деб аталаган 20 кисмлик теленовелага суратга тушинга тақлиф этиди. Ўзанда 1979 йил эди. Шундан сўнг Виктория ижодга шўнгуб кетди. Ҳатто, актёrlар мактабига катнашга имкон тополмади.

Мексикалик кўплаб томошабинлар Викторияни "Фёра" яъни "Ёвуз" деб атайди. Бу унинг латиф моҳиятига эйдигига эътибор килиётандирсиз. Тўғри, В. Руффо "Ла Фёра" (1983) телефонфильмida бош ролни маҳорат билан иштаганда унинг шугулликни олай бурди. Викториянинг ўзи ҳам барча

ролларини яхши кўрса-да, "Ла Фёра"даги ролини энг муввафакиятли деб билади.

Мария унинг назаридан яхши ўринни эгаллайди.

Виктория "Оддий Мария"даги иштирокидан сўнг комик актёр Зухенио Дербесга турмушга чиқди. Орадан бир прем ўтгач, ўти Хосе Эдуардо тугидли. Айни пайтда у эри билан театрда роллар ижро этиди. Ўти Хосенинг келажагини таъминлашни олий бурди деб билади.

Энг эзгу орзулашингиз нима, деган саволга у ўзимни яхши инсон килиб тарбиялаш, яна бир фарзанд — кизалок кўриш, энг салбий рол ижро этиш, деб жавоб беради.

А. РАИМОВ

